

Экстремизм ва экстремистик фаолият: миллий қонунчиликдаги мавжуд муаммолар ва таклифлар

Нурумбетова Садоқат Аллаярвна

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Аннотация: мақолада экстремизм билан боғлиқ жиноят ишларини тергов килишда экстремизм тушунчасига миллий қонунчиликда аниқ изоҳ берилишини таъминлаш мақсадида, хориж ва тергов амалиётини ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, аниқланган мавжуд хато ва камчиликларга экстремизм тушунчаси ўзида қамраб олган “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун ва Жиноят Кодексининг тегишли моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш борасида таклифлар берилган.

Калит сўзлар: экстремизм, ақидапарастлик, диний, сиёсий, иқтисодий экологик, озиқ-овқат экстремизми, мигрант, экстремистик ташкилот, экстремист, мониторинг.

Ўзбекистон азалдан турли миллатга мансуб, турли динларга эътиқод қилувчи халқлар тинч-тотув яшаган ўлка бўлиб келган. Аждодларимиз бошқа дин вакилларига доимо ҳурмат билан муносабатда бўлгани, Ватан тараққиёти йўлида елкадош бўлиб меҳнат қилгани тарихий манбаларда кўп қайд этилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон аҳолисининг сони 31 млн.дан ошган бўлиб, улар 130 дан зиёд миллатга мансуб ҳисобланади. Фуқароларнинг 94% дан зиёди ислом динига эътиқод қилади. 3,5% га яқин фуқаролар православ динига мансуб бўлиб, қолганларини бошқа конфессия вакилларини ташкил этади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида 16 диний конфессияга мансуб 2 238 диний ташкилот фаолият олиб бормоқда. Улардан 2064 таси исломий, 157 таси христиан, 8 таси яҳудий, 6 таси баҳойий жамоалари, биттадан Кришнани англаш жамияти ва Будда ибодатхонасидир. Булардан ташқари конфессиялараро Библия жамияти ҳам фаолият юритмоқда. Ушбу диний ташкилотларнинг эмин-эркин фаолият олиб бораётгани ҳам юртимизда ҳукм сураётган диний бағрикенгликнинг амалий ифодасидир.

Ҳеч шубҳасиз, юртимизда турли соҳаларда эришилаётган барча улкан ютуқларимизнинг замирида жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик ҳисобланади.

Маълумки, бугун мусулмон оламида мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар кечмоқда. Яқин Шарқ ва бошқа ҳудудлардаги қатор мамлакатлар чуқур сиёсий танглик, ижтимоий ва иқтисодий беқарорлик ва қуроли тўқнашувларни бошидан кечирмоқда. Мазкур ҳудудларда гўёки ҳақиқий “исломий давлат” қуриш шиори остида очикдан-очик зўравонлик, инсонийликка зид ваҳшийликларга асосланган амалларга қўл ураётган турли гуруҳ ва жамоалар урчиб кетди.

Сўнгги йилларда ақидапараст оқимлар ёшлар ичидаги фаолиятини меҳнат мигрантларини таъсир доирасига олиш, “ҳужралар” ташкил этиш, диний экстремистик мазмундаги материалларни электрон кўринишда тарқатиш, интернет орқали тарғибот ўтказиш каби усулларда амалга оширмоқда. Айниқса, интернет тармоғида ўзини “Ислом давлати” (ИШИД), “Жабҳат ал-Нусра” деб атаб олган террористик ташкилотлар гўёки ислом равнақи йўлида курашаётган “мужоҳид биродарлар гуруҳи” экани ҳақидаги тарғибот-ташвиқот кенг кўламда олиб борилаётгани, бунинг оқибатида дунёнинг кўплаб мамлакатларидан мусулмон ёшлар “ҳижрат” қилиш ва “жиход”да иштирок этиб даввосида Сурия ва Ироқ ҳудудига бориб, ушбу гуруҳ сафига бориб қўшилаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Афсуски, ёшлар муайян қисми ИШИДни ҳақиқатда ҳам ислом динини бутун дунёга тарқатиш, исломий давлат барпо этган ҳолда дунёда адолат ўрнатишни мақсад қилган ташкилот деб ҳисоблайди. Бундай фикрловчилар Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда ҳам бор экани ҳеч кимга сир эмас. Бундай ёшлар юқорида қайд этилган ҳудудларда инсонларга қарши содир этилаётган жиноятларни гўёки халифалик қуриш учун жоиз амал ҳисоблаб қаттиқ адашмоқдалар. Аслида, мутаассиб оқим аъзоларининг мақсадлари - “жиход”, “ҳижрат”, “шаҳидлик”, “кофир бўлиш” каби диний тушунчаларни сохта талқин қилиш орқали ёшларимизни оила ва яқинларининг таъсиридан чиқариш, ўқиш ёки ишдан ажратиб олиш ҳамда уларни қуроли тўқнашувлар кетаётган Сурия, Ироқ, Афғонистон ёки Покистон каби мамлакатларга жўнатиб, манқурт-жангари ёки “тирик бомба”га айлантиришдан иборат.



БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Бош комиссари Нави Пиллэй эълон қилган маълумотга кўра 2012 йилнинг июл ойидан бошлаб Сурия ва Ироқда ҳар ойда 5000 нафар одам ўлмоқда. Ўлаётганлар орасида қариялар, аёллар, оилалар, ҳатто эмизикли гўдаклар ҳам бор.

Дин кишиларни ҳамиша яхшиликка, эзгу ишларга чорлаган. Жумладан, ота-боболаримизнинг муқаддас эътиқоди бўлган ислом дини билан бирга бошқа самовий динлар ҳам юксак инсоний фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилган. Дин туфайли инсоният минг йиллар мобайнида бой маънавияти ва мероси, ўзлигини омон сақлаб келган. Шу нуқтайи назардан қараганда, одамларнинг эътиқоди ва диний ҳиссиётларидан фойдаланиб, экстремистлар ва террорчилар томонидан содир этилаётган жиноятлар уларнинг асл қиёфасини намоён этмоқда, дейиш мумкин.

Экстремистик ҳаракатларнинг энг қуйи табақаси кўпинча сиёсий тусга эга бўлмаган, майда зўрлик ва инсонлар содир этадиган унсурлар билан боғлиқ бўлади. Бундай зўрликнинг сиёсийлаштирилиши терроризм томон қўйилган биринчи қадам бўлади.

Экстремизмнинг бир нечта турлари мавжуд бўлиб, асосан диний экстремизмдан иборат эмас. Диний экстремизм фақат ислом оламига тегишли дейишни ўзи ҳам нотўғри, чунки, бу ишонтириш усули сифатида диндин фойдаланиш ҳисобланади. Бунинг исботини қуйидагиларда ҳам кўриш мумкин. Яъни миллий жиноят қонунчилигимизда диний экстремизмнинг берилиши фақат диний экстремизм мавжудлигидан далолат бермайди. Шунини таъкидлаш керакки, диний экстремизм инсон онгига жуда секинлик билан кириб келиб, мустаҳкам ўрнашиб олиб, жиноий фаолиятни бошқаришда инсонни манқуртга айлантириб қўяди. Бу эса нафақат инсонни, жамиятни ва давлатни, керак бўлса, миллатни секин-асталик билан емиради ва ўз домига тортиб олади. Шу мавзуда тадқиқот олиб борган процессуалист олим М.А. Ражабованинг диний экстремистик, фундаменталистик, сепаратистик жиноий гуруҳ, жиноий уюшмалар ёки террорчиликка мослашган жиноятчи тўдалар пайт пойлаб туриб, жиноий фаолиятни амалга ошириш илинжида ғимирлаб қолиши мумкин¹ деган фикри жуда ўринлидир.

Фикримизча, инсоният жамият тараққиётига ижобий таъсир ўтказган

¹Ражабова М.А. Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш муаммолари. – Т., 2002. – 400 б.



ислом таълимоти унга мутлақо зид бўлган мафкурага асосланган оқим ва йўналишлар ёки жиноятчи унсурлардан фарқлай олиши зарур. Сабаби, талай тарихий фактлар ва ҳодисалар акс эттирилган ислом давлатчилигига оид манбаларни ўрганиш шундан далолат берадики, ҳуқуқий пойдевори Муҳаммад (САВ) томонидан яратилган ислом давлати бор-йўғи ўттиз йил давомида халифалар томонидан бошқарилган, лекин ўша пайтдаги ички ихтилофлар исломда давлат бошқарувининг салтанат (монархия) шаклига ўтишига олиб келган². Бу эса диний ихтилофларнинг юзага келишига замин яратган. Бу эмпирик маълумотлар бўлишига қарамай, дин орқали инсон онгига таъсир қилишнинг илк зарарли илдизлари ҳисобланади.

Экстремизм билан боғлиқ жиноятлар диний, сиёсий, иқтисодий, экологик, озиқ-овқат, миллий (ирқий) ва бошқа кўринишларда бўлиши мумкин.

Назаримизда, криминалистика фанида бугунги кунгача экстремизмнинг турлари ва уларнинг тушунчалари аниқ бир илмий-назарий таърифлар шакллантирилмаганлигини, юқорида кўриб чиқилган олимларнинг фикрларини инобатга олиб экстремизмнинг турларини ва уларнинг таърифларини криминалистика фанида қуйидагича шакллантириш таклиф этилади:

сиёсий экстремизм – ҳукуматга қарши зўравон ҳаракатлар, тўнтариш чақириқлари, радикал сиёсий мафкура тарқатиш;

иқтисодий экстремизм – у иқтисодий ресурслар, молиявий тизим ёки бозор механизмларидан радикал, зўравон ёки ноқонуний йўллар билан фойдаланиб, жамиятда ижтимоий беқарорлик, сиёсий босим ёки хавфли ғояларни тарқатиш мақсадида қилинган ҳаракатлардир;

экологик экстремизм – табиатни ҳимоя қилиш ниқоби остида заводларни ёқиш, портлатиш, саботаж қилиш;

озиқ-овқат экстремизми - нарх танқислиги орқали жамиятни иғво қилиш ёки зўравон чиқишларга ундаш.

миллий(ирқий) экстремизм – ирқ, миллат, этник ёки тилига асосланган нафрат, адоват ва зўравонлик ҳаракатларини содир этилиши.

²Ражабова М.А. Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш муаммолари. – Т., 2003. – 400 б.

АҚШ миллий хавфсизлик мутахассиси Питер Браун таъкидлаганидек, Экстремизмга қарши курашишнинг ягона йўли, унинг пайдо бўлиш сабабларини тушуниш ва одамларни ушбу ғояларга ишонишга олиб келган сабабларни йўқ қилишдан иборатдир.

Экстремизмга қарши курашиш борасида жуда кўп ишларни амалга ошириш мумкин, лекин экстремизм фақатгина диний эмас унинг бошқа трлари ҳам мавжудлигини инобатга олиб, энг аввало миллий қонунчиликда белгиланган диний экстремизмни тор доирасини ўзгартириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу борада “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида берилган “экстремизм” ва “экстремистик фаолият” тушунчасига қуйидагича ўзгартириш киритиш: “экстремизм – зўравонлик, нафрат ёки тоқатсизликни тарғиб қилиш, қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, оклаш ёхуд улардан фойдаланишда ифодаланадиган ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган ҳаракатларнинг ашаддий шакллари ифодаси”. Шунингдек экстремизм билан жиноятларни тергов қилишда Жиноий қилмиш сифатида диний экстремизмни эмас барча турдаги экстремизмга оид қилмишни баҳолаш мақсадида ЖКнинг 244¹ ва 244² - моддаларидаги «диний-экстремистик» жумласини “экстремизм” тарзида ўзгартириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 июлдаги ПФ–6255-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича 2021 — 2026 йилларга мўлжалланган миллий стратегияда вазиятни мониторинг ва таҳлил қилишнинг комплекс дастурларини ташкил этиш, шунингдек, муаммоларни аниқ белгилаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган бўлиб, экстремизмга қарши курашиш соҳасида давлат мониторинг тизимини жорий қилишнинг ҳуқуқий асослари қонунчиликда белгиланмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, экстремизмга қарши курашиш соҳасида экстремистик жамоатларни тақиқланган ташкилотлар сифатида баҳолаш мезонлари ҳамда тартибига аниқлақ киритиш, шу билан бирга давлат мониторинг тизимини жорий қилиш мақсадида “Экстремизмга қарши



курашиш тўғрисида”ги Қонунда янги таҳрирда 14¹-моддасини яратиш ва унда қуйидагиларни белгилаш таклиф этилади:

14¹-моддаси. Экстремистик фаолиятга алоқадор ташкилотлар, шахслар ва материаллар электрон рўйхати.

“Ўзбекистон республикаси Адлия вазирлиги томонидан экстремистик фаолиятга алоқадор ташкилотлар, шахслар ва материаллар электрон рўйхати юритилади.

Электрон рўйхат ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Электрон рўйхатга қуйидагилар киритилади:

экстремистик фаолиятга алоқадорлиги муносабати билан фаолияти тўхтатиб турилган ташкилотлар;

экстремистик ташкилот деб топилган ташкилотлар;

экстремистик фаолиятга алоқадор деб топилган жисмоний шахслар;

экстремистик материал деб топилган ахборот маҳсулотлари.

Ташкилотлар, жисмоний шахслар ёки ахборот маҳсулотларини тегишлича экстремистик ташкилот, экстремистик фаолиятга алоқадор жисмоний шахс ёки экстремистик материал деб топиш ҳақида суднинг қарори қабул қилингандан сўнг, улар тўғрисидаги маълумотлар ўн беш кун ичида электрон рўйхатга киритилади.

Электрон рўйхат янги маълумотлар билан тўлдирилганда, шунингдек рўйхатда мавжуд маълумотларга ўзгартириш киритилганда бир кун ичида бу ҳақда оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали эълон берилади.

Оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида электрон рўйхатга киритилган материал, ташкилот ёки жисмоний шахс тўғрисида улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тегишинча экстремистик материал, экстремистик фаолиятга алоқадор ташкилоти ёхуд экстремистик фаолиятга алоқадор шахс деб топилгани ҳақида изоҳ кўрсатмасдан ахборот тарқатиш тақиқланади».

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Якубов Н. Диний экстремизмнинг салбий оқибатлари. <https://zamaxshariy.uz/5958/>
2. Юсупов А.А. ва бошқ. Ёшларнинг экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш: Ўқув-услубий қўлланма. – Т., 2019. – 5-б
3. Мухитдинов Д.С. Экстремизм ва уни ўрганишга бўлган ёндашувларнинг таҳлили. <https://cyberleninka.ru/article/n/ekstremizm-va-uni-rganishga-b-lgan-yondashuvlarning-ta-lili>
4. Алимов Мухиддин Илхомжон ўғли. (2022). Participation of Citizens in the Maintenance of Public Order Historical-Theoretical Significance. Journal of Pedagogical Inventions and Practices, 13, 67–70.
5. Юсупов А.А. ва бошқ. Ёшларнинг экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш: Ўқув-услубий қўлланма. – Т., 2019. – 5-б.

Research Science and
Innovation House